

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта
Махсус Таълим Вазирлиги
Бухоро Давлат Университети
“Физика-математика” факультети

Атамурадов Жамшиднинг

«RHP Web – дастурлаштириш тилида Интернет –
магазин яратиш » мавзуси бўйича ёзган

Малакавий битирув иши

Химояга тавсия этилди:

Бажарди:

Атамурадов Ж.

Кафедра мудири:

Жумаев Ж.

ИЛМий РАХБАР:

САЙИДОВА Н.С.

Бухоро - 2008

PHP Web - дастурлаштириш тилида Интернет – магазин яратиш

КИРИШ.....	3
АСОСИЙ ҚИСМ.....	5
I-БОБ. PHP WEB-ДАСТУРЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	5
1.1 HTTP ПРОТОКОЛИ.....	5
1.2 HTML ФОРМАТИ ТУШУНЧАСИ.....	5
1.3 WEB ҲУЖЖАТЛАР.....	6
1.4 СЕРВЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАР.....	7
1.5 WEB ДАСТУРЛАР АРХИТЕКТУРА ШАБЛОНЛАРИ.....	7
1.6 PHP ТИЛИ СИНТАКСИСИ.....	
II-БОБ. PHP ВА MySQL ёрдамида Интернет магазин яратиш ...	29
2.1 PHP ВА MYSQL БОҒЛИҚЛИГИ.....	29
2.2 MYSQL МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ.....	29
2.3 PHP ЁРДАМИДА MYSQL МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА БОҒЛАНИШ.....	30
2.4 ИНТЕРНЕТ – МАГАЗИН.....	32
2.5 WEB-ПУЛЛАР.....	34
ДАСТУР.....	39
ХУЛОСА.....	47
АДАБИЁТЛАР.....	48

КИРИШ

Ҳозирги телекоммуникация даврида ҳар бир савдо корхонаси глобал интернет тизими орқали дунёнинг барча давлатлари билан алоқага киришиш ва шу йўл билан ўз мижозлари сонини орттиришга ҳаракат қилмоқда. Албатта бунинг учун Интернет тизимида ишлайдиган бирор магазин ёки аукцион керак бўлади. Бундай магазинларни кўришда HTML тили камлик қилади.

Магистрлик мавзусининг долзарблиги: Магазинни кўришда сайтдан динамик хусусиятлар талаб қилинади. Магазиндаги савдо-сотиқни, ҳисоблаш ишларини, пулларни хавфсиз қабул қилиш, мижоз билан алоқани таъминлаш каби ишларни бажаришда PHP web-дастурлаштириш тили кўл келади. Бу битирув ишида ҳам асосий мақсад тилни ўргатиш билан бир қаторда Интернет-магазин яратишга қаратилади. Чунки тилни ўрганишда реал мисолларни кўрсатиш билангина уни ҳаётга татбиқ эта оладиган мутахассис тайёрлаш мумкин.

Мақсадга келиш учун қилинган ишлар: Интернет магазинни яратишда PHP ва MySQL дастурларидан фойдаланилди. Интернетдан хориж Интернет-магазинларининг ишлаш принциплари ўрганилди.

Мақсад ва вазифалари: Магистрлик диссертациясини ёзишдан мақсад биринчидан талабаларга PHP ва MySQL тилидан хабардор қилиш, иккинчидан Ўзбекистонда электрон бизнес соҳасини ривожлантиришдан иборат.

Илмий ёки илмий услубий янгилик. Магистрлик диссертациясини илмий томони шундаки, унда биринчилардан бўлиб интернет магазиннинг ишлаш принципига ўзбекча шарҳ берилди ва уни яратиш муаммолари ўрганилди.

Объекти ва предмети. Интернет магазин асосан супермаркетлар ва универсал магазинлар учун мўлжалланган. Шунингдек, электрон маҳсулотлар билан савдо қилади.

PHP ни ўрганишдан олдин C++, Java, Perl каби тиллар билан таниш бўлсангиз сиз учун бу тил қийинчилик туғдирмайди. Аммо сиз бу тиллар ҳақида ҳеч қандай тасавурга эга бўлмасангиз ҳам, интернет - дастурлаштириш ҳақида тўлиқроқ маълумот беришга ва PHP (Personal Home Page) дастурлаштириш тилини ўргатишга ҳаракат қиламиз. Бу тилнинг асосий мақсади – қисқа вақт ичида Интернет учун динамик саҳифаларни яратишдан иборат. Personal Home Page дастурловчилари ихчам тил яратишга ва қўйилган масалани етарлича аниқликда ҳал қилиш ётади. PHP ёрдамида масалани бошқаларга масалан, Perl га нисбатан ҳал қилиш анча осон. Шунга қарамай буларнинг барчаси дастурловчининг ўзига ва масаланинг қўйилишига боғлиқ.

Дастурлаштиришга йўликмаганлар учун бир нарсани айтиб ўтиш керак. Сизни олдингизга турган масалани қандай турган бўлса шундайлигича ечиш керак. Битта жойга бориш учун бир нечта йўл мавжуд, худди Windows нинг бошқариш панелини очиш каби дастурлаштиришнинг ҳам бир нечта методлари мавжуд. Қўйилган масалани қандай ёзилган бўлса шундайлигича ҳал қилиш ёки умуман бошқа йўл билан ҳам ҳал қилиш мумкин. Бу ерда ечимлар сони ёки усулларига эмас, балки оддийлик ва мантиқийликка эътибор берилади. Асосийси – принципларни ўрганиш қолгани эса тажрибадан келиб чиқади.

Бу битирув ишида сиз бу ёки у масалани ечишда ўзингизни йўлингизни танлашингиз мумкин. Бу эса яхши қанча кўп дастурловчи бўлса, шунча кўп ечим.

PHP - бу нафақат осон, балки қизиқ ҳамдир. Тилни ўрганиш мобайнида хулоса чиқаришга ҳаракат қилишга ҳаракат қиласиз. Нотаниш сўзларни учратиб мен тилни ўргана олмаяпман деган хаёлга бормаслигингизни сўрайман. Шу нуқтаи назардан бу китобда ҳаммага тушунарли бўлган терминлар ва энди дастурлашни бошлаган дастурловчилар ҳам китобни “бир хил кайфиятда” ўқишларини эътиборга олдик.

Мантикий ўйлаб қараганда шундай хулоса қилиш мумкин: ҳамма ишнинг ҳам ўз қийинчилиги бор. Фақатгина ҳар бир киши ўзи хоҳлагандек ўрганади. Ўрганганингизга тўхтаб қолмаслигингизни - сизга маслаҳат берар эдим. Фақатгина мана шунда катъий мақсад билан қадам ба қадам ҳаракат қилсангиз шундагина мақсадингизга етасиз. Шунинг учун ўйланг, яратинг ва тажрибада текшириб кўришдан кўрқманг, фақатгина тажрибадагина профессионал дастурлашни ўрганиш ва кўйилган мақсадга эришиш мумкин.

Фараз қилайлик, сиз статик Web – саҳифа рамкасида чикдингиз ва HTML формани қайта ишлаш керак бўлсин. Ёки киритилган маълумотларни маълумотлар базасидан қайта ишловчи Web саҳифа яратиш керак бўлиб қолди. Ёки сизга электрон магазинингизни дастурлаш керак бўлиб қолди, мижозларни талабини сақлайдиган, сайтга мурожаат қилганларни турли кўринишдаги счётиқларга сақлаш керак бўлсин - PHP тили буларнинг ҳаммасини ва бошқа бир қанча масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Савол туғилади, нега айнан PHP, CGI (Common Gateway Interface- умумий шлюз интерфейси, HTTP дастурларни ёзишнинг стандарти) орқали ишловчи Perl, C/C++,

Fortran, TCL, Unix Shell, Visual Basic, Apple Script тилларида ёзилган кўплаб дастурларчи.

Сервер фойдаланувчи CGI – дастурига сўров юборади уни қайта ишлайди ва натижани фойдаланувчи экранига юборади. Натижада фойдаланувчи турли факторлар натижасида ўзгарувчи динамик маълумотларни олади. Дастурловчилар ҳамма вақт барча ишларнинг шартига тўғри келадиган дастурлар яратишга ҳаракат қилишган.

Ўрганиш мобайнида PHP ни яратувчиси машҳур дастурчи Расмус Лердорф (Rasmus Lerdorf)- нега сервер томонидан бажариладиган дастур тилини яратганлигини тушуниб оласиз.

Масалан ҳаммага таниш Perl дастурлаштириш тили бу –жуда яхши, қудратли тил, лекин дастурни чақиришда саҳифанинг ҳар бир сўровида айниқса Windows да система харажатлари жуда юқори бўлади.

Шунинг учун 1994 йил мутлақо янги тил PHP (Personal Home Page-шахсий уй саҳифаси) номли тил пайдо бўлди.

PHP қулайликлари қуйидагилардан иборат:

- PHP нинг бошқа тилларда Perl ёки C++ каби тилларда ёзилган- CGI-скриптлардан асосий фарқи, CGI – дастурларда HTML кодни ўзингиз ёзасиз PHP дан фойдаланишда эса HTML саҳифада ёзган дастурингизни очилувчи ва ёпилувчи теглар орасига оласиз масалан <?phpН ?>) каби.
- PHP нинг JavaScript дан фарқи шундаки PHP-скриптсерверда бажарилади, клиентга эса иш натижаси юборилади, JavaScript-код тўлалигича клиент машинасига юборилади ва ўша ерда бажарилади.
- Internet Information Server севувчилар PHP Active Server Pages (ASP) га жуда ўхшашлигини кўришлари Java энтузиастлари эса PHP Java Server Pages (JSP) ўхшашлигини айтишлари мумкин. Бу айтиб ўтилган учта тил Web – серверда бажарилувчи HTML саҳифа ичига жойлаштиришлари мумкин.
- PHP да кўплаб маълумотлар базаси билан алоқа шакллантирилган бўлиб Web-дастур МБ устида ишлай олади.

Қуйида алоқа қила оладиган МБ ларининг тўлиқ бўлмаган рўйхати келтирилган:

Adabas D, InterBase, Solid, dBase, mSQL, Sybase, PostgreSQL, Empress, MySQL,

Velocis, File Pro, Oracle, Unixdbm, Informix.

- PHP да IMAP, SNMP, NNTP, POP3 ва ҳатто http протоколлари билан ишловчи функциялар мавжуд, шунингдек сокетлар (sockets) билан ишлаш имкони мавжуд ва бошқа протоколларга мурожаат мавжуд.

2 та боб учун хулоса. Битирув иши асосий қисми 2 бобдан иборат бўлиб, биринчи бобда Web дастурлаштириш асослари, PHP тили синтаксиси

хақида, иккинчи боб PHP да Файллар системаси билан ишлаш, PHP ва MySQL нинг боғликлиги, ҳамда Интернетда савдо ва хизматлар хақида тўхталиб ўтилади.

Битирув ишининг хажми: магистрлик диссертацияси 77 бетдан иборат.

Ушбу битирув ишида асосий ғоя янада тушунарли бўлиши учун ҳар бир бўлимда мисоллар келтирилган. Шунингдек, битирув иши охирида интернет - магазиннинг саҳифаси келтирилган бўлиб, унда айрим муаммолар қандай ҳал қилинганлиги айтиб ўтилган.

Асосий қисм

1-БОБ. PHP WEB-ДАСТУРЛАШТИРИШ

ТЕХНОЛОГИЯСИ

1.1 HTTP ПРОТОКОЛИ

Web-дастурлар ўзининг ривожини Web-йўллар ва Web – системаларининг ривожини билан биргаликда борди. Биринчи Web – йўллар Тим Бернерс-Ли Европа GERN физика лабораторияси ходимлари учун ўзининг компютеридан туриб, бошқа ходимнинг компютеридаги маълумотларга мурожаат қилиш учун бўлинган гипермедиали системалар яратади. Маълумотларга рухсат ва мурожаат мижоз компютерида ўрнатилган махсус дастур - браузерлар ёрдамида амалга оширилади.

HTTP (Hypertext Transfer Protocol): «гиперматнларни узатиш протоколи» тармоқ протоколлари ичида энг содда ва қулай протоколлардан ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси «гипербоғланиш»дан ҳосил бўлган URL адресли электрон ҳужжатларни ўқишга оид сўров (запрос) ни серверга жўнатиш (худди шу вақтда сўралаётган ҳужжат жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) ва сўралаётган ҳужжат олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани ўзишдан иборат. Интернетда электрон ҳужжатлар гиперматн ёрдамида баён этилади. Гиперматн бу матнни гипербоғланишлар ёрдамида ифодалашдир. Гипербоғланишлар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Агар гипербоғланиш бошқа бир серверда мавжуд бўлган алоҳида ўзининг URL адресига эга бўлган электрон ҳужжатга нисбатан ишлайдиган бўлса, у ҳолда бундай гипербоғланиш ташқи деб аталади. Баъзи ҳолларда Web ҳужжат авторлари қулайлик нуқтаи назаридан бир сервернинг ўзида жойлашган электрон ҳужжатнинг ўзини ҳам бир неча бўлақларга бўлиб, гипербоғланишлар ёрдамида ифодалайдилар, бундай гипербоғланишлар ички деб аталади.

1.2 HTML ФОРМАТИ ТУШУНЧАСИ

HTML формати тушунчаси: Шахсий компьютерда форматлаштирилган электрон хужжат WYSIWYG (What You See Is What You Get) "Нимани кўраётган бўлсанг, ўшани оласан" принципида ишлайдиган матн тахрирлагичлар ёрдамида яратилади. Масалан, MS Word, Lexicon, AmiPro кабилар ёрдамида. Бундай программалар ёрдамида биз электрон хужжатни хоҳлаган шрифтда, ўлчамда, чап ёки ўнг томондан текисланган ҳолда, (яъни ўзимизга маъқул бўлган "формат"да) яратишимиз мумкин. Аммо биз ушбу электрон хужжатни интернет ёрдамида эълон қила олмаймиз. Сабаби, уни ўқимоқчи бўлган бошқа бир интернет мижозининг шахсий компютерида биз фойдаланган матн тахрирлагич программаси ёки шрифтлар ўрнатилмаган бўлиши мумкин. Буни олдиндан айтиб бўлмайди. Ундан ташқари ушбу матнни очишга мўлжалланган "дарча"нинг ўлчамлари, ҳақида ҳеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам, шахсий компьютерда фойдаланиладиган матн тахрирлагичлар ва уларнинг "формат"лаш усулларидан интернетда фойдаланиб бўлмайди. Бундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида янги **HTML (Hypertext Markup Language)** "гиперматнларни белгилаш тили" протоколи, стандарти яратилди. Бу стандарт бир қанча махсус операторлар мажмуасидан иборат бўлган HTML программалаштириш тили бўлиб, унинг ёрдамида электрон хужжатларни интернетда бевосита эълон қилиш мумкин.

1.3 WEB ҲУЖЖАТЛАР

Web хужжатлар: HTML форматида тайёрланган электрон хужжат HTML хужжат, Web хужжат ёки Web саҳифа деб аталиши мумкин. Агар электрон хужжатни тайёрлаш ҳақида гап борса, у ҳолда хужжат HTML хужжат деб аталади, ва ушбу электрон хужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш ҳақида борса, у ҳолда бу хужжат Web хужжат деб аталади.

Бордию, ушбу хужжатдан фойдаланиш ҳақида борса, у ҳолда бундай электрон хужжат Web саҳифа деб аталади.

Битта муаллиф ёки WWWга тегишли бўлган бир гуруҳ, ўзаро "гипербоғланишлар" билан алоқадор бўлган Web саҳифалар мажмуаси Web узел (тугун) ёки сайт деб аталади.

Web сервер тушунчасини 2 хил маънода ишлатиш мумкин.

Агар WWW хизматини кўрсатиш ҳақида борса, у ҳолда Web сервер тармоқ мижозларига Web саҳифа ва сайтлардан фойдаланиш имкониятини яратиб берувчи программа маъносини англатади.


Агар сўз интернетнинг техник таъминоти ҳақида борса, у ҳолда Web сервер Web ресурслари сақланаётган ва унинг программа таъминоти ишлаб турган компьютер маъносини англатади.

Интернет тармоғининг ихтиёрий бир компютерида бир нечта сервер программалар ишлаб туриши мумкин. Масалан, Web сервер программаси, FTP сервис электрон почта сервери программа таъминотлари ва х.к.

1.4 СЕРВЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Битта Web серверда (компютерда) бир қанча ташкилот ёки корхоналарнинг Web сайтлари (узеллари) Web саҳифалари жойлашиши мумкин.

WWW технологиясида бирор бир информацион ресурсга қуйидаги йўллар билан боғланиш мумкин.



1. Уникал номер ва маршрутга га эга бўлган, берилганларни шу маршрутлар орқали олди-берди кирувчи IP – тармоқлар. Булар DNS номлар сервиси билан ишлайди.
2. WWW сервер мавжуд бўлиб у WWW клиентлар сўровларига жавоб қайтаради. Суровда ахборотлар гипертекст ли ҳужжатлар шаклида бўлади.

Бу ҳужжатлар HTML – гипертекстли ҳужжатларни ҳосил килувчи тилда бўлиши лозим. Бу ҳужжатлар статик кўринишда ёки динамик кўринишда бўлади. Статик кўринишда ҳужжатлар файллар шаклида дискларда сақланади. Динамик шаклда эса суров параметрларига қараб махсус дастурий таъминот орқали динамик ҳолда ҳосил қилинади. Динамик ҳужжатлар яратишда, WWW сервер махсус CGI дастурлар и шаклида ҳосил қилинади.

1.5 WEB ДАСТУРЛАР АРХИТЕКТУРА ШАБЛОНЛАРИ

Web дастурлар архитектура шаблонлари: Берилганлар базасининг таркибига қуйидаги тушунчалар мавжуд: СУБД типи, интерфейс кўриниши, жадваллар орасида боғланишлар, яхлитлик масаласи, берилганлар билан

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

алоқа, фойдаланувчи. WWW орқали мавжуд ББ билан алоқалар купгина йўллар билан амалга оширилган. Аниқ бирор йўлни танлашда СУБД нинг таркибига қараб иш курилади. WWW технологиялар орқали мавжуд ББ га алоқа қуйидаги уч йўл орқали амалга оширилиши мумкин:

Бу вариантда ББ даги берилганларга махсус CGI дастур орқали мурожаат килинади. Бу дастур WWW – сервер орқали чакирилади. Бу дастур WWW клиентнинг суровига мос отчет хосил қилади ва HTML хужжатни кайтаради. WWW сервер хосил бўлган хужжатни WWW клиентга кайтаради.



Бу йўл катта хажмдаги ва мураккаб структурали берилганлар базаси учун эффектив йўл ҳисобланади. Бу йўл орқали ББ даги берилганларни WWW интерфейслар орқали тахрирлаш имконияти мавжуд бўлади.

Бу йўлнинг камчилиги шундаки, WWW клиент суровларига жавоб кайтаришга узок вақт керак бўлади, ББ даги берилганларга доимий доступ керак бўлади. WWW-сервер ресурсларини эгаллайди.



Бу технологияни тадбик қилиш учун WWW – сервер билан CGI – дастури орасида боғланиш бўлиши лозим. (CGI – Common Gateway Interface) CGI – дастурлар – дастурлаш тиллари, отчетлар хосил қилувчи генераторлар

Дастурлар тиллари орқали берилганлар базасидан берилганларни олиб HTML ҳужжат ҳосил қилинади.

1.6 PHP ТИЛИ СИНТАКСИСИ

Бу бобда биз PHP нинг фундаментал асослари билан танишамиз. Бошқа тилларга ўхшаш PHP нинг ҳам калит сўзлар тўплами ва типлар, шунингдек ифодаларни қайта ишлаш механизмлари ва аввалдан аниқланган константалар тўпламидан иборат. Бу барча саволлар қуйида тулиқроқ ёритилади.

Ўзгарувчилар: PHP дастурлаштириш тилида ўзгарувчилар доллар (\$) белгиси билан бошланади. Ўзгарувчи номи регистга сезувчан бўлади. \$username ва \$Username номлари иккита алоҳида ўзгарувчи номларини англатади. Ўзгарувчини номлашда ўзгарувчи номи ҳарф ёки ости чизик белгиси, улардан сўнг белги –харфлар тўплами ёки ости чизик белгиси келиши мумкин. Масалан,

```
<?php  
  
$username='Barry';  
  
$Username='White';  
  
echo "$username $Username";  
  
?>
```

Юқоридаги фрагментда иккита алоҳида ўзгарувчи яратилади. Шундан сўнг натижаларни чиқариш учун echo операторидан фойдаланилади. (PHP чиқариш воситалари ҳақида тулиқроқ боб охирида келтирилади.). PHP синтаксиси нуқтаи - назаридан қараганда булар ҳаммаси абсолют тўғридир. Келтирилган сценарий натижаси сифатида Barry White чиқарилади.

Кўшимча маълумот: Регистга сезгирлик бир томондан караганда етарлича бўлиб кўринмайди, лекин амалиётда бу каби чегараланиш дастурни уқилишини анча осонлаштиради.

Маслаҳат: Эътибор беринг ўзгарувчи номи сифатида кирилл ҳарфларини ҳам ишлатиш мумкин. Лекин амалиётда бундай йул тутиш айрим сабабларга кура мумкин эмас. Айрим ҳолларда дастур ўқилишини анча қийинлаштиради ва турли системаларда интерпретациялаш мумкин бўлмай қолади.

Кўшимча маълумот: PHP да хаволалар C тилидаги кўрсаткичларга аналог ҳисобланмайди. Уларни ўзгарувчи қийматига мурожаат қилиш псевдоними сифатида қараш керак.

Хаволага қиймат ўзлаштирилаётганда ўзлаштирилаётган ўзгарувчи номи олдида амперсанд & белгисини куйиш етарли ҳисобланади.

```
<?php
$name='Barry';

$name=&$name;

echo $name;

echo $myname;

?>
```

Бу фрагментда Barry қийматига иккита ном \$name \$myname лар боғланган.

Ўзгарувчиларни кўриниш чегараси: Кўриниш чегараси-бу ўзгарувчи аниқланган чегара. Кўпинча PHP да ўзгарувчилар битта кўриниш чегарасига, include() ва require() конструкторлари ёрдамида аниқланган сценарийлар тегишли бўлган файллар тегишли бўлади. Функция ичида

аниқланган ихтиёрий ўзгарувчининг кўриниш чегараси функция танаси билан чегараланган бўлади. Бу ҳақда тулиқроқ маълумот “Функциялар ” қисмида ёритилади.

Калит сўзлар: Бошқа тилларга ўхшаш PHP нинг ҳам ажратилган сўзлар тўплами мавжуд. PHP да ўзгарувчиларга регитрнинг сезгирлигига боғлиқ бўлсада, функция номлари ва ажратилган сўзлар учун бу коида белгиланмаган. Масалан, while, WHILE, While ва wHlLe сўзлари орасида ҳеч қанака фарк йук. 1- жадвалда PHP нинг ажратилган калит сўзлар санаб утилган.

Келтирилган калит сўзлардан бирортаси сизга таниш бўлмаса асло ғам чекманг. Уларнинг кўпчилиги билан қуйида танишиб утаимиз.

1- жадвал. PHP калит сўзлари

and	break	case
class	continue	default
do	else	elseif
extends	false	for
foreach	function	global
if	include	list
new	not	or
require	return	static
swith	this	true
var	virtual	xor
while		

Маълумотлар типи: Бошқа тилларга ухшаб PHP да ҳам стандарт типлари мавжуд:

- бутун;
- қузгалувчи нуқта тип

- мантиқий
- матрий
- массив
- синф
- NULL типи

Бирок катъий типлаштирилган тиллардан, масалан C++ дан PHP нинг асосий фарқи ўзгарувчилар эълон қилинмайди, балки контекста қўлланилишига қараб аниқланади.

```
$var=2; // $var – бутун сон 2
```

```
$var="2"; // $var – 2 қийматни сакловчи сатр
```

```
$var=array[2]; // $var – 2 га тенг битта элементли массив
```

Ўзгарувчи типи ҳар сафар унга қиймат ўзлаштириш пайтида аниқланади. Қиймат ўзлаштирилмаган ўзгарувчи *боғланмаган* ҳисобланади (unboard variable). Боғланмаган ўзгарувчи NULL типига тегишли бўлади ва фақат NULL қийматига эга бўлади. Агар ифодада бутун сон ишлатилса NULL қиймати 0 га, агар сатр бўлса- уҳолда буш сатрга айлантиради.

isset() функцияси ёрдамида ўзгарувчига аниқ бир қиймат ўзлаштирилганлиги текширилади. Параметр сифатида бу функцияга ўзгарувчи номи ўзлаштирилади. isset()

функцияси мантиқий қиймат кайтаради. Масалан

```
isset($holiday)
```

функциясини чақириш билан \$holiday ўзгарувчисига қиймат ўзлаштирилган бўлса, NULL қийматидан фарқли уларок true қиймати кайтарилади, акс холда false кайтарилади.

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

Қуйида ҳар бир тип тулиқроқ ёритилади.

Бутун тип: РНР да ягона integer бутун типи мавжуд бўлиб, С++даги long типи билан мос келади. Бутун сонни унлик, саккизлик, ва уноллилик форма кўринишда ёзиш мумкин. 0x билан бошланадиган қийматлар уноллилик сонлар, 0 билан эса-саккизлик. Масалан,

```
$number1=1234; // бутун сон
```

```
$number2=-123; // манфий сон
```

```
$number3=062; // 50 сонини саккизлик кўриниши
```

```
$number4=0xff; // уноллилик (255)
```

Бутун сон улчами кўлланилиш платформасига боғлиқ бўлиб, купчилик холларда 32 битга тенг бўлади. Агар бутун сонлар устида амаллар бажарилаётганда бутун сон оралигидан чикиб кетса, уз-ўзидан кузгалувчи нуқтали тип double га айлантирилади. Масалан,

```
$a=1/2; // $a 0.5 га тенг
```

```
$a=2147483648; // $a -1 га эмас, балки 2147483648
```

Кўзгалувчи нуқтали типи: РНР даги double типи С++ даги типга аналог ҳисобланади. Кузгалувчи нуқтали типни оддийгина экспоненциал ёки аралаш форма кўринишда нуқта (.) куйиш билан эълон қилиш мумкин.

Бошқача суз билан айтганда, .345 ва 345. ифодалари РНР да абсолют коррект ҳисобланади. Қуйида кузгалувчи нуқтали сонга мисол келтирилган.

```
$a=12.34;
```

```
$a=12.3E4;
```

`$a=12e-34;`

Мантикий тип: Мантикий ўзгарувчи иккита қийматдан бирини – `rost (true)` ёки `ёлгон (false)` ни қабул қилиши мумкин.

Мантикий ўзгарувчи қийматини `true` ва `false` калит сўзлар орқали бериш мумкин.

`$boolValue=true;` // `$boolValue` қиймати `true` тенг. Бунда регистр ҳеч қандай рол уйнамайди.

Мантикий қийматлар мантикий амалларнинг натижаси ҳисобланади. Масалан,

```
if ($a>$b)
{
echo "a>b"
}
```

Мантикий тип `integer` типига ухшаб оддий бўлиб, контекстда бошқа типлар ҳам ишлатилиши мумкин.

Агар мантикий контекстда бутун қийматли ифодалар ишлатилса, у холда бу ифода қиймати нолга тенг бўлса, `false` қиймат, акс холда `true`.

Сон ўзгарувчилар билан ишловчи стандарт функциялар: РНР да сонлар устида амаллар бажарувчи жуда куплаб стандарт функциялар мавжуд. 2 жадвалда бутун сонлар ва кузгалувчи нуқтали сонлар устида тез-тез ишлатиладиган функциялар келтирилган.

2 жадвал. Сонлар устида ишловчи айрим функциялар

Функция номи	Параметр типи	Кайтарадиган қиймати
Floor катта ёки кайтаради	double	Курилайтган параметрдан тенг бутун сонни
Ceil кичик ёки кайтаради	double	Курилайтган параметрдан тенг бутун сонни
Round	double	Якин бутун сон
Srand тасодифий	integer	берилган параметргача бўлган сонларни чиқаради
Rand	иккита сон	Иккита параметр орасидаги псевдотасодифий сон
abs	сон	параметрнинг абсолют қиймати
min	битта ёки бир нечта сон	Энг кичик сон
min	битта ёки бир нечта сон	Энг катта сон
exp	сон	курсатилан аргумент буйича е нинг даражасини чиқаради
log	сон	курсатилан аргументнинг натурал логарифмини чиқаради
sin	сон	курсатилан аргументнинг синусини чиқаради
pi	параметрсиз	π сонининг сон қийматини

чиқаради

Қуйида РНР нинг сонлар билан ишловчи стандарт функцияларига мисол келтирилган.

```
<?php
echo log(exp(1))."<br>";
echo sin(pi()/2);
```

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

?>

Кушимча маълумот: Албатта PHP да стандарт функциялардан фойдаланиш билан иш тугамайди. Функциялар алгоритмик композицияларда кучли восита бўлиб хизмат қилади. Бу савол билан боғлиқ маълумотларни туликроқ 2 бобда танишамиз:

Отформатировано: Шрифт: 14 пт,
узбекский (кириллица)

Сатрий типлар: PHP да сатр бу- байтла кетма-кетлигидир. PHP да Unicode ни кулловчи восита мавжуд эмас. Сатрий константаларни(литераллар) битталиқ ёки иккиталиқ куштирнок ичида аниқлаш мумкин.

Махсус символлар(масалан, ‘/ ва //) сатрий литералларда битта куштирнок ичига олинган бўлса, ажратилмайди. Бу стандарт ўзгарувчиларга ҳам тегишли. Бундай константалар чиқариш потокида ҳар қандай узгартиришда ҳам чиқарилади. Иккита кавс ичига олинган сатрий константалар бошқача тус олади. Айрим ҳолларда курилган ўзгарувчилар PHP интерпретатори томонидан корректив ажратилади ва уларнинг урнига қийматлари чиқарилади.

Масалан, қуйидаги сатр

```
'The age is: $age'
```

Агар \$age нинг қиймати 12 га тенг бўлса, у ҳолда қуйидаги сатр чиқарилади.

```
The age is: 12
```

Қуйида яна бир нечта мисоллар келтирилган

```
echo 'Бу сатр'; //Бу сатр ни чиқаради
```

```
echo 'Бу "сатр" \'сатрда\''; // Бу "сатр" 'сатрда' ни чиқаради
```

```
echo 'a\nb'; //a\nb ни чиқаради
```

Биринчи қаторда келтирилган фрагментга изоҳ келтириш шарт эмас. Иккинчи қатордаги мисолда сатр битталиқ қўштирнок ичига олинган. Айнан шунинг учун бу сатр ичида кўркмасдан иккиталиқ қўштирнокни ишлатиш мумкин, бироқ битталиқ қўштирнокни маскировка **жақи**лишга тўғри келади.

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

Учинчиси битталиқ кўштирнок ичига олинган сатрда махсус белгини чиқарилаяпти. Куриб тўрганингиздек, чиқарилиши керак бўлган белги урнига \n сатрни кучириш белгиси чиқарилаяпти.

Агар сатр иккиталиқ кўштирнок ичига олинган бўлса, у холда қуйидаги махсус белгиларни ишлатиш мумкин:

\n	сатрни кучириш
\r	кареткани кайтариш
\t	табу <u>у</u> ляция белгиси
\\	тескари слеш
\\$	доллар белгиси
\”	куш кучштирнок

Колган барча холларда тескари слеш хеч нарсани англамайди ва оддий белги сифатида иштирок этади.

Унзгарувчи номини фигурали кавс ({}) ичига олиб чегаралаш мумкин. Масалан, ‘ белгисини идентификаторда ишлатиш мумкин бўлмасада, қуйидаги фрагмент натижаси

```
$beer='Heineken';
echo "$beer's taste is great";
```

қуйидагича бўлади

```
Heinken's taste is great
```

Мана яна бир мисол

```
Echo "He drunk some $beer";
Echo "He drunk some $(beer)s";
```

Биринчи сатрда \$beer ўзгарувчисининг қиймати чиқарилмайди, чунки s белгиси идентификаторга тегишли бўлаёпти шунинг учун интерпретатор тўғри ечимни аниқлай олмайди. Иккинчи сатрни қайта ишлаш натижасида beer ўзгарувчи қиймати натижаловчи сатрга чиқарилади.

Маслахат: Ишни эффективлигини ошириш учун битталиқ куштирнок ишлатиш яхшироқ

Бундай ҳолда PHP интерпретатори бошқа тилларга тегишли воситаларни кидириб утирмайди.

Сатрларни ихчамлаш: PHP да нукта (.) ёрдамида сатрларни бирлаштирувчи ягона оператор аниқланган.

Сатрларни номерлари нолдан бошланувчи белгилар массиви сифатида қараш мумкин ва кавс ичига унинг номерини қуйиб унга алоҳида мурожаат қилиш мумкин. Масалан, \$str ўзгарувчиси “abcdefgh” сатрини ўзида сакласа, у ҳолда қуйидаги икки сатрни қайта ишлаш натижасида

```
$first=$str(0); // 'a'
```

```
$last=$str(strlen($str)-1); // 'h'
```

Қуйидаги натижага олиб келади

a

h

PHP да сатрларни манипуляция қилувчи бир нечта стандарт функциялар мавжуд. Улардан айримлари қуйидаги 3.3 жадвалда келтирилган.

3 жадвал. Сатр устида тез-тез ишлатиладиган функциялар

Функция номи	Параметр типи	Кайтарадиган қиймати
Strlen	сатр	Сатрдаги белгилар сони
Strcmp	иккита сатр	0, агар иккита сатр бир хил булса; манфий сон, агар иккинчи сатр биринчи сатрдан лексикографик катта булса; 1, агар иккинчи сатр биринчи сатрдан лексикографик кичик булса
Strpos	иккита сатр	Белгининг 1-сатрда жойлашган урни. Агар мавжуд булмаса, false киймат кайтирилади
Substr	сатр ва бутун сон	Жойлишиш урни 2-параметр билан берилган 1- сатрдаги сатр ости .Агар учинчи параметр(бутун) берилган булса сатр остининг узунлигини билдиради
Chop	сатр	Унгга караб учирилган барча буш жойлардан иборат сатр
Trim	сатр	Унгга ва чапга караб учирилган буш жойлардан иборат сатр
Ltrim	сатр	Чапга караб учирилган барча буш жойлардан иборат сатр
Strtolower харфларга	сатр	Барча бош ҳарфлари кичик утказилган сатр
Strtoupper харфларга	сатр	Барча кичик ҳарфлари бош утказилган сатр

Массивлар: PHP тилида массивлар “қиймат/калит” жуфтликларининг тартибланган тўпламлари мавжуд. Бу маълумотлар типи шундай оптималлаштирилганки, уни оддий массив, руйхат (вектор), хеш-жалвал, лугат, коллекция, стек, навбат, дарахт ва бошқа маълумотлар стурктураси сифатида ишлатиш мумкин

Отформатировано: Шрифт: 14 пт, русский

Массивлар ҳақида туликроқ [4кейинги](#) бобда танишамиз.

Типларга келтириш: Айтиб утганимиздек, PHP да ўзгарувчини аниқ бир типга тегишли эканлиги мавжуд эмас.

Тип сценарий бажарилиши давомида аниқланади ва контекстда ўзгарувчининг қандай ишлатилишига боғлиқ равишда узгартириш мумкин.

Шунинг учун уша ўзгарувчини ўзини турли типларга тегишли маълумотларини саклаш мумкин, масалан сатр ва сон

```
$id=123;
```

```
$id="abc1";
```

PHP арифметик мантиқий ва сатр типига тегишли узгарувчиларни бошқа типларга автоматик узгартириш имконини беради. Бунда ўзгарувчи уз типини узгартрмайди.

```
$a=1; // $a- бутун сон
```

```
$b=1+$a/2; // $b – 1.5 га тенг
```

```
$c="10 та негр боласи"+$b ; // $c – 11.5 га тенг
```

C++ га ухшаб PHP тилида ўзгарувчиларни аниқ бир типга тегишли ўзгарувчилардек интерпретациялаш мумкин. Бунинг учун типларга келтиришдан фойдаланиш керак. Типларга келтириш аниқ ва ноаниқ бўлиши

Отформатировано: Шрифт: 14 пт, узбекский (кириллица)

Отформатировано: Шрифт: 14 пт, узбекский (кириллица)

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

мумкин. Ааниқ типга келтириш учун ўзгарувчи номи олдидан кавс ичига типни номи кура^{са}тилади. Масалан,

```
$intValue=1234;
$doubleValue=(double) $intValue;
$stringValue=(String) $doubleValue;
```

Э^{ти}бор бериб карайдиган бўлсак РНР С++ дан фарқи типларга функционал келтиришдадир, шунинг учун қуйидаги фрагментда хатолик юзага келади

```
$str=string($intValue);
//аниқланмаган string() функциясини чакириш
```

Аниқ типга келтириш учун қуйидаги функциялардан бири intval(), doubleval() ёки strval() дан фойдаланиш мумкин. Масалан, \$amount ўзгарувчиси 4.777 қийматни сакласа, у холда intval(\$amount) функциясини чакириш билан натижада 4 хосил бўлади.

Типга келтиришни қуйидаги функциялар орқали амалга ошириш мумкин.

- (int), (integer) – бутун сонга келтириш
- (bool), (boolean) – мантиқий типга
- (real), (double), (float)- кузгалувчи нуқтали
- (string) – сатрга
- (array) – массивга айлантириш
- (object) – объектга айлантириш

Ўзгарувчини типга келтириш учун settype(Var, Type) функциясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу функция иккита параметрга эга: ўзгарувчи номи ва тип. Масалан уни қуйидагича қўллаш мумкин.

```
$var1='2test';
$var2=false;
Settype($var, 'integer');
Settype($var, 'string');
```

Маслахат: Ўзгарувчини сатрга айлантириш учун уни фақатгина куш куштирнок ичига олиш етарли.

Ўзгарувчини типга келтиришда нима юз беришини туликроқ куриб утайлик.

Мантиқий типга айлантиришда қуйидагилар ёлгон (false) ҳисобланади:

- 0 бутун сони (нол);
- хакикий сони (нол);
- ёки буш сатр, ёки '0' сатр;
- элементлари нолдан иборат массив
- хусусиятга эга бўлмаган объект
- махсус қиймат NULL

колган барча қийматлар рост(true) ҳисобланади.

Сон қийматларни ўзида сакловчи сатр сон сифатида типга аниқ келтириш ёки автоматик - арифметик ифода сифатида интерпретация қилинади. Агар сатр сон билан бошланса шу соннинг ўзи типни узгартиришнинг натижаси ҳисобланади. Акс холда сатрнинг сон қиймати 0 бўлади. Агар сатр ўзида хакикий сон – каср ва экспоненционал қисмданг иборат бўлса, у холда бу сатр хакикий сон сифатида интерпретация қилинади, акс холда – бутун сон.

```
$realValue="12.34abcd"-10;
```

```
//$realValue- 2.34 хакикий сонига тенг
```

```
$difence=1+"PC-20"+"C300";
```

```
//$difence- 1 бутун сонига тенг
```

Массивни сатрга айлантиришда Array сатри олинади, объектни конвертация қилишда – Object сатри

Скаляр қийматларни массив ёки объектга айлантириш мумкин, бунда хосил бўлган массив биринчи элемент сифатида скаляр қийматни саклайди, объект эса – қиймат сифатида scalar атрибутини.

```
$var=12.34;
```

```
$array=(array) $var;
```

```
echo $array[0];
```

```
//12.34 ни чиқаради
```

```
$obj=(object) "abcd";
echo $obj->scalar;
// abcd ни чиқаради
```

Ўзгарувчи типини `settype()` функцияси ёрдамида узгартириш мумкин. Масалан, `settype($amount, "integer")`;

Агар `$amount` ўзгарувчиси 4.777 қийматни сакласа, юқоридаги функцияни чакириш билан 4 натижа чиқарилади.

Мос холда `gettype()` функциясини чакириш билан типни аниқлаш мумкин. Бунда ўзгарувчи-параметрнинг типини сатр кўринишида чиқаради.

Диққат: `gettype()` функцияси ёрдамида кайтариладиган сатр кўринишдаги тип номи PHP нинг охириги версияларида узгарган бўлиши мумкин, шунинг учун ўзгарувчи типини аниқлашда бу функциядан фойдаланиш керак эмас

Ўзгарувчи типини аниқлашда махсус `is_xxx()` келинишдаги функциялар масалан, `is_array()`, `is_bool()`, `is_double()` ва бошқ. Ўзгарувчи типи ва қийматини `var_dump()` функциясидан фойдаланиб аниқлаш мумкин. Қуйида ўзгарувчи массив эканлиги текширилишига мисол келтирилган.

```
<?php
$arr=array(1,4,6,8);
if (is_array($arr) && !empty($arr)) {
    foreach($arr as $num) {
        echo $num.'  
';
    }
}
?>
```

Маълумотларни чиқариш воситалари: Бобнинг бу мавзуси PHP да маълумотларни чиқариш билан боғлиқ бўлган имкониятлари ҳақида тулик маълумот бермайди.

PHP интерпретатори ёрдамида генерация килинадиган PHP сценарийига кирган ихтиёрий маълумотлар HTML саҳифасининг бир қисми

хисобланади. Бошқача килиб айтганда барча кирувчи маълумотлар HTML код кўринишида бўлиши шарт.

Чикувчи маълумотларни учта усулдан бири орқали генерация қилиш мумкин: echo, print() ва printf() функциялари ёрдамида бажарилади. Echo функциясини кавс ёрдамида ҳам кавсиз ҳам ёзилиши мумкин. Кавс билан ёзилганда бу функцияга битта сатрий параметр бериш мумкин. Акс холда бу функция маълум узунликдаги параметрлар рўйхатини бериш мумкин. Масалан, қуйидаги сатр абсолют коррект хисобланади

```
Echo "Oranges are taste <br/>", "Apples are too <br/>"
```

Бирок қуйидаги сатр коррект эмаслиги қуриниб турибди

```
Echo ("Oranges are taste <br/>", "Apples are too <br/>");
```

Echo функцияси ҳеч қандай қиймат қайтармайди.

Print функцияси булардан фаркли равишда унга фақатгина битта параметр узатиш мумкин. Бундан ташқари бу функция қиймат қайтаради. echo функциясига ухшаб кавс ёзиш шарт эмас. Қайтарадиган қиймати талаб қилинган амал тўғри бажарилганлиги ҳақида муълумот беради. (1 бўлса ҳаммаси тўғри, ва 0 да тесқари хол).

Print функциясига ҳам сатрий параметр бериш мумкин. Агар узатиладиган қиймат бошқа типга тегишли бўлса, автоматик сатрга string айлантирилади.

Printf функцияси C тилдаги функция билан абсолют ўхшаш хисобланади. Уни дастурчи чикувчи маълумотларни бутунлигича бошқариб бўлмайдиган пайтда фойдаланиш қулай хисобланади.

Изоҳ: Printf функциясининг синтаксиси ва семантикаси ҳақида тулик маълумотни C тилига бағишланган барча китоблардан топишингиз мумкин.

Мисол

Қуйида келтирилган мисолда РНР нинг чиқариш воситалари ишлаш принципи келтирилган. Бунда example3-1.php файли асосий ҳужжатлар сақланадиган Web сервер каталогда жойлашиши шартлигини эздан чиқармаслик керак. Шунингдек РНР сценарийларининг асосий вазифаси фойдаланувчи HTML саҳифаларининг динамик генерациясидан иборат. Интерпретация натижасида бундай сценарийлар клиент браузерлари саҳифа матнида жойлаштирилади,

Example3-1.php сценарий коди

```
<!DOCTYPE html PUBLIC "-//w3c/DTD XHTML 1.0 Strict//EN"
"http://www.w3c.org/TR/xhtml/DTD/xhtml-strict.dtd"
<!--example3-1.php – Simple example to illustrate output from a PHP script-->
<html>
<head><title> example3-1.php </title>
</head>
<body>
<p>
<?php
    Print "<b>Welcome to my home page<br/><br/> ";
    Print"Today is:</b>";
    Print date("1,F jS");
    Print "<br/>";
?>
</p>
</body>
</html>
```

Бу сценарий ойнага Саломлашиш хабарини ва бугунги кун санасини чиқаряпти. Бу функция ҳақида тулиқроқ маълумотни <http://www.php.net> адресидан топишингиз мумкин. Сценарий натижаси расмда келтирилган.

Комментариялар: Комментария - бу сценарийдаги сатр бўлиб интерпретатор томонидан тушириб юборилади. Комментариялар дастурчи учун қулайлик тугдиради ва кодни ҳужжатлаштиришда, дастурдан кодлар бўлагини ишлатмаслик ва турли кўринишдаги изоҳлар учун. Комментария синтаксиси С++ дагига ўхшаш – иккита тескари слеш // сатр охиригача код қисмини комментарий сифатида ажратади, бир нечта сатрларни эса /* ва */ лар орқали комментарийга айлантириш мумкин. Бир томонли комментарийлар # белгисини ҳам ишлатиш мумкин. Масалан қуйидагича

```
<?php
Echo "Experiment"; // жуда оддий PHP код
?>
<?php
Echo "Experiment";
/*бу иккита сатрдан
иборат комментарий */
?>
```

Комментариялар ишлата олиш энди бошлаган дастурчиларни баҳолай олмайди, лекин дастурлашга тегишли жиддий китобларда лойиханинг муваффақияти дастурчи комментарийларни қандай ишлата олганлигига боғлиқ ва бошқача қилиб айтганда дастурнинг уқилишини осонлаштиради.

Янгилик: Келажакда библиоотекалар ва функциялар учун ҳаммага қулай бўлган шаклдаги ҳужжатлар яратишга тўғри келади. Бундай ҳужжатларни яратишдан бирига мисол PHPDoc ҳисобланади, тулиқроқ маълумотни <http://www.phpdoc.de/>

Резюмлар

- Бошқа тиллардан фарқли равишда PHP ўзгарувчилари аниқ аниқланмайди. Уларнинг типи ўзгарувчи контекстда ишлатилишига

караб автоматик аниқланади. Бажарилиш процессида ўзгарувчи типи узгариши мумкин.

- PHP тилида стандарт функциялар тўплами мавжуд: integer, double, boolean, string. Турли типдаги маълумотлар билан ишлашда турли стандар**т** функциялардан фойдаланиш мумкин.
- Шартли равишда PHP интерпретатори талаб килинган типга кура ўзгарувчини типини ноаниқ узгартиради. Бундай келтиришни аниқ бажариш ҳам мумкин. Бу масалани махсус функциялар орқали ҳам ечиш мумкин.
- Бошқа тилларга ухшаб PHP ҳам маълумотларни чиқаришни бир нечта усулларига эга. Бирок шуни эсдан чиқармаслик керакки PHP сценарийлари HTML-саҳифанинг динамик генерациясига боғлаб қўйилади.
- PHP сценарийининг уқилиши ва сценарийнинг тушунарлилиги (форматлаштириш ва ўзгарувчи номини танлашдан ташқари) ни таъминлаш мақсадида бир сатрли, шунингдек купсатрли комментарийлардан фойдаланиш мумкин.

PHP синтаксиси C га ўхшаш тилларга билан боғлиқ. Бундай тиллардан хабардор кишиларга PHP синтаксисини ўрганиш кийинчилик тугдирмайди

Ажратувчи-белгилар: C, Java, Pascal ва бошқа купчилик тилларга ўхшаш PHP буйруклари бир-биридан нуқта вергул билан ажратилади. Фақатгина PHP-воситалар блоки битта буйрукдан иборат бўлса. Фақатгина шу холда нуқта вергулни ташлаб юбориш мумкин. (амалий нуқтаи назардан караганда уни куйиш керак. Бу шу блокка бошқа буйрукларни қўшишда хосил бўладиган хатоликларни олдини олади).

```
<?php
```

```
    Echo 'First instruction';
```

```
    Echo 'Second instruction';
```

?>

Амаллар: Амаллар битта ёки бир нечта ўзгарувчилар манипуляцияси учун қўлланилади. Оддий мисол сифатида арифметикада қўшиш амали мисол бўлади. РНР тили амаллари асосан C тили амалларига ўхшаш.

Амалларнинг бир нечта гуруҳлари мафвжуд.

- Ўзгарувчилар устида оддий математик амалларни бажариш учун арифметик амаллар
- Ўзлаштириш амаллари, айрим ўзгарувчиларни қийматини узгартириш учун
- Бўлевоий ифодаларни ҳисоблайдиган мантикий амаллар
- Сонни иккилик кўринишда ифодалайдигарн разрядли амаллар

Бу амаллар амалда ихтиёрий тилда учрайдиган. Шу вақтда РНР да етарлича бир нечта махсус амаллар ҳам аниқланган

- Конкатенация(Бу амал билиотека функциялари билан биргаликда амалга оширилади)
- Хатоликни баҳолаш
- Шартли амаллар

Қуйида 4 жадвалда РНР тили асосий амаллари уларнинг даражасига караб санаб утилган

4 жадвал. РНР тили асосий амаллари

Амаллар	Ёзилиши
()	даражани аниқлаш
[]	индекс буйича массив элементига мурожаат
!	мантикий инкор
~	разрядли инкор

САЙИДОВА НАЗОКАТ САЙФУЛЛАЕВНА

++,--	инкремент, декремент
@	хатоликни камайтириш
* / %	Купайтириш, бўлиш, колдикли бўлиш
+ - .	қўшиш, айириш, конкатенация
<< >>	разрядли чапга ҳаракат, уннга ҳаракат
< <= > >=	кичик, кичик ёки тенг, катта, катта ёки тенг
== != === !==	тенг, тенг эмас
&	разрядли ва
^	разрядли ёкидан ташқари
	разрядли ёки
&&	мантиқий ва
	мантиқий ёки
?:	шартли амал
= += -= *= /= .=	ўзлаштириш
%= &= != ~= <<= >>=	
And	мантиқий ва
Xor	мантиқий ёки дан ташқари
Or	мантиқий ёки

Арифметик амаллар: РНР тили C- га ўхшаш дастурлаштириш тилларида мавжуд бўлганг арифметик амаллар тўплами мавжуд. Агар +, -, ва * операндлари бутун сонлардан иборат бўлса натижа ҳам бутун сондан иборат бўлади. Агар операндлардан бири кузгалувчи нуқтали бўлса, у холда натижа ҳам хакикий сондан иборат бўлади. Бўлиш амали шунга ўхшаш интерпретация килинади. Агар бутун сонлар устидаги амаллар бажарилиши натижасида тулиб қолиш юз берса, у холда натижа сон иккилик аниқликдаги(double) айлантирилади. 5 жадвалда РНР тили арифметик амаллари келтирилган.

5 жадвал. Арифметик амаллар

Ифода	Натижа
$a+b$	a ва b нинг йигиндиси
$a-b$	a ва b ларнинг айирмалари
$a*b$	a ва b ларнинг купайтмаси
a/b	a ва b ларнинг бўлинмаси
$a\%b$	a ва b нинг колдикли бўлинмаси

Ўзлаштириш операторлари: Умумий холда a =ифода ифодасини “ a ўзгарувчиси ифодани ҳисоблашда натижасини ўзлаштиришти ” деб тушунади. Қуйидаги $a=a+1$ типдаги буйруқларни қуйидагича тушуниш керак. Биринчи a ўзгарувчисининг қиймати олинади, кейин унга 1 сони кушилади, натижа оператив хотирада каердадир сакланади. Шундан сўнг натижа хотирадан чиқариб олинади, натижада қиймати 1 га ошган a ўзгарувчига ўзлаштирилади.

РНР да кулайлик учун бир нечта таркибий ўзлаштириш операторлари аниқланган бўлиб, улар ўзлаштиришдан ташқари баошка вазифанларни ҳам бажаради. Имкони борича бу операторлардан купрок фойдаланиш керак, улар интерпретоторга буйруқларни эффектив бажарилишини таъминлайди. Таркибий операторлар ва уларга эквивалент амаллар 6 жадвалда келтирилган.

6 жадвал. PHP таркибий операторлари

Ифода	Эквивалент
$a+=$b$	$a=$a+b
$a-=$b$	$a=$a-b
$a*=$b$	$a=$a*b
$a/=$b$	$a=$a/b
$a.= b	$a=$a.b
$a%=$b$	$a=$a%b
$a&=$b$	$a=$a&b
$a!=$b$	$a=!$b$
$a~=$b$	$a=~$b$
$a<<=$b$	$a=$a<<b
$a>>=$b$	$a=$a>>b

Мантикий амаллар: Мантикий амаллар 7 жадвалда келтирилган.

&& ва and, || ва or операторлари фақатгина даражаси билан фарк қилади.

Разрядли амаллар: Разрядли операторлар мантикий бажариш учун мулжалланган, шунингдек айрим алоҳида операнд битлари устида ишлайди. 1 бит қиймати true билан мос келади, 0 қиймати эса –false(8 жадвал).

7 жадвал. PHP мантиқий амаллари

Ифода	Амал номи	Натижа
$a \&\& b$	Мантиқий ва	true, агар a ва b true бўлса
$a \ \ b$	Мантиқий ёки	false, агар a ва b false бўлса
$!a$	Мантиқий йук	true, агар a false бўлса; false агар a true
$a \text{ and } b$	Мантиқий ва	$\&\&$ га аналог
$a \text{ or } b$	Мантиқий ёки	$\ \ $ га аналог
$a \text{ xor } b$	Мантиқий ёкига тескари	true агар a ва b ларнинг қийматлари турлича бўлса

Диққат: Алоҳида айтиб утиш керакки энди бошлаган программистлар томонидан стандарт хатоликларни айтиб утиш керак, $=$ амали урнига ўзлаштириш $=$ амали ишлатилади. Ўзлаштириш натижаси одатда true га ҳисобланади (агар фақат нол қиймат ўзлаштирилмаса). Натижада дастур ўзини режадагидек каби бажарилмайди. Ўхшаш хатоликни топиш жуда қийин. Шунинг учун дастурни ёзаётганда эътибор бериш керак.

Инкрементлаш ва декрементлаш: Инкрементлаш (декрементлаш) – бу ўзгарувчи қийматини 1 тага ошириш (камайтириш) ни билдиради.

Инкрементлаш/декрементлаш префиксли ва постфиксли формалари ўзгарувчи номидан олдин ёки кейин қўйилган амал белгиси фаркланади (8 жадвал).

8 жадвал. РНР тилида инкрементлаш ва декрементлаш

Ифода	Натижа
<code>\$a++</code>	<code>\$a</code> ни кайтаради ва шундан сўнг <code>\$a</code> ни 1 тага оширади
<code>\$a--</code>	Ўхшаш аммо 1 га камади
<code>++\$a</code>	<code>\$a</code> нинг қиймати ошади ва шундан сўнг <code>\$a</code> ни қиймати кайтарилади
<code>--\$a</code>	Ўхшаш аммо 1 га камади

Бошқа амаллар: `()` Амаллар бажарилиши приоритети узгартириш амали .
Туртбурчак кавс ичига олинган ифода биринчи бажарилади.

[]

Бу амални ишлатиб массив индекси ёрдамида унинг элементи қийматни олиш мумкин. Массивлар шу бобда пастда куриб утамиз.

@

Хатоликни камайтириш амали. Агар сатрни бажариш давомида бу белги билан хатолик юз берса, хабар диагностикаси ишламайди. Масалан, `@echo(5/0)` сатр интерпретация хеч қандай натижа бермайди. `@` белгисиз ишлатилган худди шу сатр хатолик ҳақида хабар беради.

•

Сатрларни конкатенацияси (бирлаштириш) амали, бир сатрни бошқа сатр охирига ёзиб қуяди. Масалан, `echo("My name is ". "Michael")`; буйруги натижаси `My name is Michael` бўлади.

Бошқарувчи операторлар: РНР нинг ихтиёрий сценарийси ифодадан иборат. Ифода таркибига ўзлаштириш амали, функцияни чакириш,

шунингдек бошқарувчи операторлар(шартли операторлар, цикллар, тармокланувчи блок ва бошк.). Коида буйича ҳар бир ифода нукта вергул(;) билан тугайди—. Ифодалар гурухлаштирилган баълиши мумкин ва улар мураккаб ифодани ташкил этади.

Изоҳ: Ҳар қандай дастур чизиқли, юқоридан пастга қараб бажарилади. Бошқарувчи операторлар уларнинг бажарилишини узгартиради, бирор шартни бажариш керакли фрагментни бир неча марта қайта бажариш ёки бажармай утиш.

